

«Катта динория» масаласи



14:02 / 05.09.2025 1260

Бу масаладаги меросхўрларнинг баъзиси фарз эгалари, баъзиси эса асабалардир. Бу меросхўрларнинг баъзисига 1 динордан, баъзисига 2 динордан ва баъзисига ундан кўпроқ тегади ва ушбу масала «Катта динория» дейилади.

Масаланинг кўриниши. Бир киши вафот этиб, ортидан хотини, онаси, иккита қизи, ўн иккита туғишган ака-укаси ва битта туғишган синглиси қолди. 600 динор мерос қолган. Хотинга $\frac{1}{8}$, онага $\frac{1}{6}$, қизларга $\frac{2}{3}$ тегади. Қолган мол асабаларга, яъни ака-укалар ва сингилга тегади. Масаланинг асли 24 дан бўлиб, уни тасҳиҳ қилганимизда 600 дан бўлади. Шунда хотинга 75, онага 100, қизларга 400, ака-укалар ва сингилга 25, яъни ҳар бир ака-укага 2 улуш ва сингилга бир улуш тегади. Мерос 600 динор бўлгач, бир улуш фақат 1 динор бўлади. Ҳар бир меросхўрнинг улуши сонига қуйидаги шаклга кўра кўпайтирилади.

		25		
		24	600	Тасҳиҳ
	Хотин $\frac{1}{8}$	3	75	Хотинга 75 динор
	Она $\frac{1}{6}$	4	100	Онага 100 динор
	Иккита қиз $\frac{2}{3}$	16	400	Иккита қизга (200 дан) 400 динор
Асаба	12 туғишган ака-ука	1	24	Икки акага 2 динордан
		1		Туғишган сингилга 1 динордан

Ушбу масала («катта динория» масаласи) қози Шурайх замонида содир бўлиб, у киши туғишган сингилга тарикадан 1 динор беришни ҳукм қилган. Шунда ўша туғишган сингил Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг олдига бориб, ўзи тўғрисида чиқарилган ҳукмдан шикоят қилган, «Шурайх менинг ҳаққимни тўлиқ бермади, 600 динор тарикадан менга атиги 1 динор тегди, ваҳоланки мен бундан кўпроқ меросга ҳақлиман», деб даъво қилган. Бу аёл ҳазрати Алий розияллоҳу анҳуга шикоятни тўғридан-тўғри шу шаклда айтган, масаланинг суратини айтмаган эди. Лекин Алий розияллоҳу анҳу ўзининг ўткир ақли, зийраклиги билан меросхўрларнинг сонини, масаланинг суратини ҳисоблаб чиқиб, «Балки сенинг аканг ўлиб, хотини, онаси, иккита қизи, ўн иккита туғишган акаси ва сен қолгандирсан?» деди. Аёл ҳайрон бўлиб, «Ҳа, худди шундай бўлди», деди. Шунда Алий розияллоҳу анҳу: «Унда сенинг ҳаққинг шу экан. Бундан кўп ҳам эмас, кам ҳам эмас», деди. Шурайх бу аёлга нисбатан тўғри тақсим қилганини, аёлнинг бундан ортиқ мерос олишга ҳаққи йўқлигини тушунтирди. Бу ҳодисани фароиз илмига оид минг байтлик назм қилган мусанниф «Ал-ъазбул фоиз фии алфиятил-фароиз» китобида шундай деган:

*Шу сабаб «шикоятчи» дея номланди,
Чунки у Алийга йиғлаб юзланди.
Унга деди: «Шурайх зулм қилди,
Тақсим ҳукмида адолат қилмади.
Акамдан олти юз динор тилла қолди,
Шурайх эса менга биргина динор берди».
Алий деди: «Балки сенинг аканг ўлиб,
Битта хотин ва онаси қолгандир-да,
Яна иккита қизу, акалардан ўн иккита,
Сингиллардан фақат сен қолгандирсан?».
Хотин деди: «Ҳа». Алий деди: «Ҳаққинг шу,
Бизга ноҳақ шикоят билан келибсан.
Шурайхдан шикоятни ошкор қилдинг-у,
Аммо фатвосини биздан беркитдинг».*

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5163-рақамли ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги 03-07/7348-рақамли хулосалари асосида чоп қилинган.